1984 йил 4 март СССР Олий Советига сайлов

# ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ

## Сайловчиларнинг Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ билан учрашуви

Тбилиси-Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе билан 21 февраль куни Тбилисида бўлиб ўтган учрашуви партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини намойиш қилди.

Йиғилишни Тбилиси Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Р. И. Жавахишвили очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Тбилиси станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Р. И. Кемоклидзе Э. А. Шеварднадзенинг ҳаёт йўлини гапириб бериб, сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда Тбилиси «Электровозстроитель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори З. Д. Чивадзе, Тбилисидаги 69-ўрта мактабнинг муаллимаси К. К. Хечоева, Тбилиси давлат университети биохимия кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори Н. Г. Алексидзе, Қизил Байроқ орденли Кавказ ҳарбий округи осмон ҳужумидан мудофаа қўшинларининг қўмондони, генерал майор В. П. Синицин, Тбилиси чет тиллар давлат педагогика институтининг студенти К. К. Элижарашвили сўзга чиқдилар. Улар совет кишилари партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини маъқуллаётганликларини айтдилар, мамлакатимиз халқларининг қардошлик оиласида Грузия меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар, республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва навбатдан ташқари февраль Пленумлари қарорлари Грузия меҳнаткашлари учун ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолганлиги таъкидланди.

Грузия ССР ва унинг пойтахти Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар меҳнат коллективларида ижодий куч-ғайратларни жўш урдириб юборди, дейишди нотиқлар. Улар муваффақиятларни янада кўпайтиришга, бўлажак сайловни муносиб кутиб олишга, бу йилги топшириқларни ва умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришни таъминлашга аҳд қилганлар.

Йиғилишда самимий кутиб олинган Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади. Сайловолди кампанияси, сайловчилар билан бўлаётган учрашувлар, сайловнинг ўзи, деди у, тузумимиз чуқур демократизмнинг, социалистик жамият афзалликларининг реал социализм инсонпарварлигининг яққол ифодасидир. Сайловдан сайловгача ўтган давр КПССнинг раҳбарлик роли янада кучайганлиги, Советларнинг ҳуқуқлари кенгайиб, обрў-эътибори ўсганлиги билан характерланади. Сайловолди кампаниясининг якунловчи босқичи партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошираётган совет кишиларининг юксак сафарбарлиги ва уюшқоқлиги вазиятида ўтмоқда.

Яқинда мамлакат партиямиз билан давлатимизнинг раҳбари Юрий Владимирович Андропов билан видолашди. Февраль Пленумида қайд этиб ўтилганидек у Марказий Комитетнинг ҳозирги босқичда партиянинг ҳар томонлама пухта ўйланган ва реалистик йўлини — ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлини ишлаб чиқиш соҳасидаги коллектив фаолиятига салмоқли ҳисса қўшди. Ю. В. Андроповнинг вафоти — совет халқи учун оғир жудолик бўлди, аммо у сафларимизни пароканда қилгани йўқ. Кўп миллионли коммунистлар ва меҳнаткашлар оммаси ленинчи Марказий Комитет теварагида янада маҳкамроқ жипслашди, партия ва халқнинг иродаси билан Марказий Комитетга ўртоқ Константин Устинович Черненко раҳбарлик қила бошлади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланганлигини барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари қизғин табриклаб кутиб олдилар. У партия ва халқ орасида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга, ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган атоқли сиёсий арбоб, Ленин типидаги йирик ташкилотчи эканлиги маълум. Меҳнаткашлар оммаси унинг жуда одамшаванда, партия ва давлат қурилишининг ленинча принципларига астойдил садоқатли, янгилик куртакларини дарҳол пайқаб, қўллаб-қувватлай оладиган, социализмга зид ҳодисаларнинг ҳаммасига муросасиз инсон эканини билади.

К. У. Черненко халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун изчил курашчи бўлганлиги учун ҳам юксак обрў қозонган.

Бизнинг республикамиз ўртоқ К. У. Черненконинг 1982 йил октябрида Грузияда бўлганини, унинг Марказий Комитет бюро аъзолари билан, Грузия Компартиясининг активлари билан, Димитров номидаги Тбилиси авиация заводининг ишчилари, пойтахтимизнинг бошқа меҳнат коллективлари, зиёлилари билан учрашув ва суҳбатларини самимият билан эслайдилар. Константин Устиновичнинг маслаҳатлари, истаклари, кўрсатмалари республикадаги кўпгина ишларга асос қилиб олинди.

Константин Устинович Черненко кейинги йилларда КПСС Марказий Комитетининг Грузия партия ташкилотига оид маълум қарорларини ишлаб чиқищ ва қабул этишда катта роль ўйнади. Бу қарорларнинг баъзилари унинг ташаббуси билан қабул қилинди. Шу сабабли Грузия меҳнаткашлари унга алоҳида миннатдорчилик ва ташаккур, ҳурмат ва муҳаббат билан қарашлари мутлақо табиийдир.

Бизнинг сайловолди учрашувимиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ, Грузия меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак кўрсаткичлари учун сурункасига ўн биринчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган бир вазиятда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1972 йилда Тбилиси шаҳар партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий иши тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин Грузия Компартиясининг бутун фаолияти экономикага раҳбарликни тубдан яхшилашга қаратилди. Республиканинг иқтисодий ва индустриал потенциали кескин ошганлиги, унинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаси моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ва маиший хизматни муттасил, пропорционал ўстириш асосида иттифоқдаги ўртача даражага яқинлашганлиги — шу давр ичида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош якуни бўлди.

Ўн йил мобайнида республиканинг ялпи ижтимоий маҳсулоти ҳажми 94 процент, ҳосил қилинган миллий даромад эса қарийб 97 процент кўпайди. Грузиянинг мамлакат иқтисодий потенциалидаги салмоғи анча ошди.

Шу потенциални ошириш йўли аҳолининг фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлади. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи кейинги ўн йил мобайнида 40 процент, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 54 процент кўпайди.

Шунга қарамай, биз бу муҳим социал кўрсаткичлар жиҳатидан мамлакатда эришилган ўртача даражадан ҳамон анча орқада қолаяпмиз. Қолоқликни тугатиш учун саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг юксак суръатларини бундан буён ҳам сақлаб қолиш зарур.

Сайловдан сайловгача ўтган кейинги беш йил ичида экономикамизда пайдо бўлган ижобий тенденциялар тобора кучайиб борди. Капитал маблағлар тўққиз миллиард сўмдан ошиб кетганлигини айтиш кифоя. Бу — аввалги беш йил ичидагига қараганда 35 процент кўпдир.

Республика саноати ўтган йилги топшириқларни муваффақиятли уддалабгина қолмай, умуман ўн биринчи беш йилликнинг уч йили учун белгилаб берилган марраларга етиб ҳам олди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий-иқтисодий даражасини ва сифатини оширишда катта силжишлар рўй берди. Беш йиллик бошланганидан бери олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи ошди, бу маҳсулот бултур аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотнинг жами ҳажмидан 50 процентдан ошиб кетди.

Экономиканинг аграр секторида ҳам бир талай муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш йилига ўрта ҳисобда аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 20 процент, чой етиштириш 39 процент, мева етиштириш 54 процент, цитрус мевалар етиштириш қарийб 73, чорва ва парранда етиштириш 16, сут ва сут маҳсулотлари етиштириш 19, тухум етиштириш 51 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам муҳим муваффақиятлар бор.

Экономикани ривожлантиришдаги ютуқлар халқнинг моддий фаровонлигини ошириш ва маънавий маданиятини равнақ топтириш учун пухта замин яратди. Кейинги беш йил ичида республикада халқ учун моллар ишлаб чиқаришни 44 процент кўпайтиришга муваффақ бўлинди.

Бироқ биз партиямизнинг ленинча анъанасига амал қилиб байрам кунларида ҳам бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга қаратамиз, деди сўзини давом эттириб Э. А. Шеварднадзе. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи бизни мана шундай қилишга ундайди. Планлар қайта кўриб чиқилиб, асоссиз равишда камайтирилаётганлиги, бир қанча корхона ва ташкилотлар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот турлари, буюмларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан белгиланган план топшириқларини бажармаётганлиги, шартномавий мажбуриятларга риоя қилмаётганлиги ва шу кабилар ўткир проблемалар жумласига киради.

Жуда қаттиқ иқтисодий тежаш, моддий ресурслардан ва асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, қўшимча резервларни аниқлаш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва шу асосда республиканинг мамлакат иқтисодий қудратига қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтириш бизнинг вазифамиздир.

Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини, Советларнинг, касаба союзларининг, комсомол, министрликлар, идоралар, хўжалик органларининг фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш лозим, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажариш учун коммунистларнинг шахсий масъулияти оширилиши керак.

Республиканинг индустриал потенциали асосан фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар: электротехника, приборсозлик, химия саноати ва шу кабиларни илдамроқ ривожлантириш ҳисобига ошириш мумкин. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқлар юксак суръатлар билан ривожлантирилади.

Қишлоқ хўжалиги олдида катта вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг бажарилиши аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига, сабзавотга, картошка ва меваларга бўлган ва ошиб бораётган эҳтиёжларини илмий асосланган овқатланиш нормаларига мувофиқ равишда қондиришни таъминлайди. Чой етиштиришни анча кўпайтириш лозим. Республиканинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ихтисослашувини белгилайдиган тармоқлар — цитрусчилик, токчилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар ҳам жадал суръатлар билан ривожлантирилади.

Социал-маданий қурилишнинг комплекс программаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида сўзлаган нутқида хўжалик ва маданий қурилиш проблемаларини ҳал этишга ижодий ёндашиш муҳимлигини таъкидлади. Кейинги йилларда республикада экономика, маданият, бошқарув соҳаларида кенг тус олган экспериментлар, изланишлар Грузия партия ташкилотларининг коммунистик қурилиш актуал проблемаларига айни ижодий, илмий асосланган ҳолда ёндашаётганликларидан дарак беради. КПСС Марказий Комитети, партия Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси раҳбарлигида Грузия ССР иқтисодий экспериментлар маконига айланди, бу экспериментларнинг аҳамияти республика доираси билангина чекланмайди. Эндиликда бутун мамлакатга машҳур бўлган ва КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган Абаш тажрибаси билан бундан ўн йил муқаддам регион миқёсида бошланган қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги структурасини ишлаб чиқиш соҳасидаги катта эксперимент ниҳоясига етказилмоқда. Бир қанча министрликлар ва идораларни қайта ташкил этиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши давлат комитетига айлантириш негизида республика Қишлоқ хўжалик министрлиги қайтадан тузилганлиги шу тажрибани эътиборга олиш ва ижодий идрок этиш асосида қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги структурасини шакллантиришнинг мантиқий ниҳояси бўлди.

Э. А. Шеварднадзе партия ташкилотининг илмий ва ижодкор зиёлилар билан ишлаши масалаларига, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги муваффақиятларга тўхталиб ўтди, бу соҳалар оммани коммунистик онглилик руҳида тарбиялашнинг тобора муҳим идеологик воситасига айланиб бораётганини уқтириб ўтди.

Бугунги учрашувимиз, деди у, Тбилисининг энг ёш театри биносида — Глданида ўтказилмоқда. Пойтахтнинг янги ишчи районидаги бу театрнинг ижодий коллективи ҳозирнинг ўзидаёқ томошабинларнинг меҳр-муҳаббати ва таҳсинига сазовор бўлди. Бунинг рамзий маъноси бор. Пойтахт ўсмоқда, янги район пайдо бўлиши билан янги театр пайдо бўлди. Бу эса замондошимизнинг маънавий эҳтиёжлари ошиб бораётганидан далолат беради. Халқнинг маънавий бойлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш бундан буён ҳам партиянинг энг асосий ишларидан бири бўлиб қолаверади.

Социалистик интизомни, ҳуқуқ-тартиботни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, жамиятга зид ҳодисаларга, социалистик қонунларни бузиш ҳолларига қарши кураш, меҳнат коллективларидаги маънавий-психологик иқлимни янада соғломлаштириш проблемаларига нотиқ кўп эътиборни қаратди.

Яқинда КПСС Марказий Комитети «Бошқарув системасини такомиллаштириш, иқтисодий иш савиясини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Грузия Компартияси Марказий Комитетининг иши тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор шу сайловолди кунларида омманинг меҳнатдаги ғайрат-шижоатини, баланд кайфиятини кўп жиҳатдан белгилаб бермоқда, келгусидаги ғалабалар учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Партия демократияни чуқурлаштириш, гражданларнинг, меҳнат коллективларининг, маҳаллий Советларнинг, регионал ва автоном тузилишларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш йўлини изчилик билан ўтказмоқда. Конституциядаги машҳур статус — республика суверенитети партиянинг ҳар бир миллат ва элат ҳуқуқлари тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир, аммо бизнинг жамиятимизда ҳуқуқлар билан вазифалар ўзаро диалектик тарзда боғлангандир. Шу сабабли биз ҳуқуқлар кенгайтирилишини, мустақиллик кучайтирилишини ишонч деб биламиз, бу ишонч эса биздан бутун мамлакат экономикаси ва маданиятидаги ишларнинг ҳолати учун масъулиятни оширишни талаб қилади.

Нотиқ халқаро вазиятни таҳлил этишга, КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсати проблемаларига, бутун дунёда тинчликни сақлаш йўлидаги курашга катта эътибор берди.

Ҳар бир Совет республикаси каби Грузия ССР ҳам руҳи жиҳатидан ва аҳолисининг состави жиҳатидан ватанпарвар интернационалистлар республикасидир. Бизнинг интернационализмимиз ва ватанпарварлигимиз аниқ-равшан, реал ишларда намоён бўлмоқда. Грузия ССР, Абхазия АССР, Ажария АССР Олий Советларида, Жанубий Осетия область Советида, маҳаллий Советларда республикадаги барча миллат ва элатларнинг намояндалари вакиллик қилмоқдалар. Мамлакатимизда миллий масала қандай ҳал этилаётганини, одамларнинг гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликлари қандай таъминлаётганини шу фактнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўз халқининг фарзанди бўлган депутат ўзининг бутун куч-ғайрати, қобилияти, тажрибаси ва билимини партия ишига, улуғ Ленин ишига, коммунизм идеаллари тантанасининг ўлмас ишига сарфлаши лозим, деди сўзининг охирида Э. А. Шеварднадзе. У ўз номзоди СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилганлиги учун сайловчиларга самимий ташаккур изҳор этиб, ленинчи Марказий Комитет, унинг ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагида ҳар қачонгидан ҳам метиндек жипслашган Совет Грузияси меҳнаткашлари халқнинг муносиб вакиллари учун якдиллик билан овоз берадилар, деб ишонч билдирди. Улар коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу билан мамлакат экономикаси ва маданиятининг равнақи учун, совет халқининг фаровонлиги ошиши учун, тинчлик, демократия учун, коммунизм ғалабаси учун овоз беришларини яхши биладилар.

(ТАСС).

# КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

## Сайловчиларнинг В. В. КУЗНЕЦОВ билан учрашуви

22 февраль куни Волга бўйидаги қаҳрамон шаҳар — Волгоград драма театрига йиғилган областнинг меҳнат коллективлари вакиллари Октябрь ишига, партия ишига содиқ эканликларини, партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар. Бу ерда Волгоград сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Василий Васильевич Кузнецов билан учрашуви бўлди.

Йиғилишни КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников очди.

Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Волгоград трактор заводи йиғувчи слесарларининг бригадири Г. В. Букаев В. В. Кузнецовнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди ҳамда сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз беришга даъват этди.

Йиғилишда Волгоград шаҳар ижроия комитетининг раиси В. И. Атопов, Волгоград давлат университетининг ректори М. М. Загарулько, КПСС Среднеахтубинск район комитетининг биринчи секретари А. Н. Орлов, «Волго-Дон» ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси чорвачилик комплексининг бошлиғи Е. П. Фуфаева, Волгоград давлат педагогика институтининг студенти И. А. Севостьянова сўзга чиқдилар.

Нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, Волгоград сайлов округининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг совет кишиларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этувчи қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Нотиқлар ваъда бериб айтдиларки, меҳнат коллективлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун куч-ғайратларини кун сайин кўпайтираверадилар.

Йиғилишда сайловчилар самимий кутиб олган В. В. Кузнецов нутқ сўзлади. У юксак шараф — СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликлари учун меҳнаткашларнинг барча коллективларига сидқидилдан миннатдорчилик ва ташаккур туйғуларини изҳор этди.

Сизларнинг ишончингизни, деди нотиқ, тўла-тўкис доно ленинчи партиямизга билдирилган ишонч деб биламан. Улуғ партия ишига хизмат қилиш ишимнинг, бутун ҳаётимнинг мазмуни бўлди ва шундай бўлиб қолмоқда. В. В. Кузнецов ўзимнинг бутун кучим, билимим ва тажрибамни коммунистик бунёдкорлик улуғвор режаларини муттасил амалга оширишга бағишлайман, деб ваъда берди.

Депутатликка номзод сўзини давом эттириб қуйидагиларни айтди: ўзининг бутун ҳаётини меҳнаткашлар манфаатларига, коммунизм қурилишига хизмат қилишга батамом бағишлаган Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропов билан видолашган қайғули кунлар ҳаммамизнинг қалбимизда ва ёдимиздадир. Аммо оғир синовлар даврида, тарихнинг оғир марраларида ҳамиша бўлганидек, партиянинг метиндек жипслиги, унинг халқ билан мустаҳкам бирлиги яна яққол намоён бўлди. Совет кишилари ўзининг синалган авангарди теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар, партия ўтказаётган сиёсий йўлни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар.

Бу йўл изчил ва ўзгармас йўлдир.

Навбатдан ташқари февраль Пленуми Коммунистик партия ва давлатнинг атоқли арбоби, истеъдодли ташкилотчи, партия улуғ идеалларини амалга ошириш учун Ленин типидаги букилмас принципиал курашчи ўртоқ Константин Устинович Черненкони якдиллик ва жипслик вазиятида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлади.

Коммунистлар, барча совет кишилари Пленумнинг бу қарорини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида партия бош йўлининг давомийлиги ва ўзгармаслигини таъминлашга бўлган азму қарор равшан таъкидланган, ҳал қилувчи иш соҳалари, партия билан халқ куч-ғайрати сарфланадиган энг муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

«Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, — деб таъкидлади Константин Устинович, — ҳозирги энг асосий вазифадир. Эндиликда, ўртоқлар, конкрет ишларга зўр эътибор бериш, реал ва салмоқли натижаларга эришиш айниқса муҳим».

Бизнинг партиямиз, деб уқтирди В. В. Кузнецов, сайловни илмий асосланган, барча совет кишиларига тушунарли ва яқин бўлган сиёсий платформа билан кутиб олмоқда. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари ана шу платформанинг мужассам ифодасидир. Бу қарорлар мамлакат экономикасини юксак самарали ривожланиш йўлига тезроқ ўтказишни таъминлашга, бошқариш форма ва методларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида уюшқоқлик, интизом, тартибни мустаҳкамлашга, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини оширишга қаратилган. Буларнинг жами КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишнинг масъулиятли босқичида ривожланган социализмни такомиллаштириш эҳтиёжларини тўла даражада акс эттирувчи ягона бош йўлдан иборатдир.

Сўнгра нутқда ўтган йиллар мобайнида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий якунлари анализ қилинди, Волгоград сайлов округи составига кирувчи Волгоград ҳамда Саратов областлари меҳнаткашлари совет халқи Ленин партияси раҳбарлигида эришган улуғвор ютуқларга қўшган ҳисса қайд этиб ўтилди.

Мазкур областларнинг хўжалиги бутун мамлакат билан ягона меҳнат маромида ривожланиб бормоқда. Саноат беш йиллик уч йили планини муваффақиятли якунлади.

Нефтни қайта ишлаш, Волжск қувур, Волгоград керамика заводларида, «Оргсинтез», «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Урюпинск гўшт комбинатида, Балаково машинасозлик заводида, Энгельс ғишт заводида ва бошқа бир қанча корхоналарда қўшимча қувватлар ишга туширилди.

Беш йилликнинг учинчи қишлоқ хўжалик йили дастлабки икки йилга қараганда муваффақиятлироқ тугалланди. Икки областдан давлат омборларига олти миллион тоннадан кўпроқ дон тўкилди. Чорва, парранда, тухум, бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан план топшириқлари бажарилди. Ерларни мелиорациялаш катта программаси амалга оширилмоқда. Волгоград шаҳри, Саратов области, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг кўпгина коллективлари 1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

Партиямиз нимаики қилаётган бўлса, инсон учун ва инсоннинг бахт-саодати учун, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш учун қилмоқда. Ўтган йилларда халқ фаровонлиги муттасил ўсди, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тобора чуқур ҳамда реал мазмун билан бойиб борди.

Совет кишилари экономикадаги, кенг социал программани амалга оширишдаги барча ютуқларни ҳақли равишда Коммунистик партиянинг кўп қиррали фаолияти билан боғламоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумида қайд этиб ўтилганидек, нисбатан қисқа вақт ичида бир қанча участкаларда ишларнинг аҳволини ўнглаб олишга, кадрларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини, уларнинг ўз кучларига ишончини оширишга, омманинг ижодий активлигини кучайтиришга муваффақ бўлинганлигини коммунистлар, барча совет кишилари партия ўтказиб келаётган йўл тўғрилигининг, Марказий Комитетнинг ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳақиқатан ҳам бутун халқ маъқуллаган чора-тадбирлар ниҳоятда зарурлигининг яққол далили деб билмоқдалар. Ленин партиясининг кучи — халқнинг ишончида, у билан бирликдадир. Зотан партия учун халқ ишончидан кўра юксакроқ нарса йўқ ва бўлмайди ҳам.

1983 йилда иқтисодий ўсиш суръатларини, баъзи кўрсаткичларни оширишга эришилганлиги — сифат жиҳатдан реал силжишнинг бошланиши холос. Эндиликда эришилган суръатни сақлаб қолиш, ижобий тенденцияларни активроқ ривожлантириш, бу тенденцияларга барқарор тус бериш муҳимдир. Оз бўлсада узилишларга йўл қўймаслик, қийинчиликларга қарамай план топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш зарур.

В. В. Кузнецовнинг нутқида мамлакат ва регион халқ хўжалигини ривожлантиришдаги танг жойларга ҳамда камчиликларга эътибор жалб қилинди.

Нотиқ КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида Волгоград ва Саратов областларининг меҳнаткашлари олдида турган баъзи энг муҳим вазифаларни кўрсатиб ўтди. Ишлаб чиқаришни зўр бериб интенсивлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий тезлатгичи бўлган унинг техникавий базасини яна ҳам зўр ғайрат билан такомиллаштириш, фан ва техника ютуқларини практикага изчиллик билан муттасил жорий этиш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида тежамкорлик режимини кучайтириш керак.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида қўйилган вазифаларни ҳал этишда, деди сўнгра депутатликка номзод, халқ депутатлари Советлари бевосита ва амалий равишда иштирок этишлари керак. Гап Советларнинг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлигини яхшилаш тўғрисида, уларнинг практикага ўтказадиган ўзгартирувчилик таъсирини кучайтириш, ривожланган социализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида бормоқда.

Советлар партия органлари раҳбарлигида 1984 йилги планни бажариш, Энергетика ва Озиқ-овқат программаларини рўёбга чиқариш, комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаш, барча иш участкаларида уюшқоқлик, интизом, тартибни кучайтириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, уй-жой қурилишини, аҳолига социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун сабот билан кураш олиб бормоқдалар. Советлар сессияларининг аҳамияти ошди, доимий комиссияларнинг активлиги кучайди, уларнинг ишида ошкораликка кўпроқ амал қилинадиган бўлиб қолди. Бу эса жумладан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда сезиларли силжишга эришиш имконини берди.

Партия органлари раҳбарлигида меҳнаткашларни тарбиялашда, ривожланган социализм жамиятига муносиб инсонни камол топтиришда иштирок этиш барча босқичлардаги Советларнинг биринчи даражали вазифаларидандир.

Советлар партиянинг коммунистик бунёдкорликни идеологик жиҳатдан таъминлашни тубдан яхшилаш соҳасида олиб бораётган жуда катта ишларга мувофиқ равишда ғоявий-тарбиявий ва маданий-маърифий вазифаларнинг бутун бир комплексини ҳал этишлари лозим. Ҳар бир совет кишисини ҳар томонлама камол топтиришда унга барча имкониятларни муҳайё қилиш ана шу вазифаларнинг моҳиятидир.

Марказий Комитетнинг 1983 йил июнь Пленуми жумладан ҳар бир районда маданий-спорт комплекслари тузиш, уларни қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар маҳаллий Советларга бўйсундириш тажрибасини оммалаштиришни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу йўлда ишлар амалга оширилмоқда, аммо бир қанча жойларда, шу жумладан сизларнинг областларингизда ҳам етарлича кенг ва актив иш олиб борилмаяпти.

Истиқомат жойларида ишни активлаштириб юбориш, унга планли тус бериш, кишиларнинг онги ва қалбига таъсир ўтказишнинг жамики воситаларидан моҳирона фойдаланиш жуда муҳим. Раҳбар совет ходимлари аҳолини яхшироқ хабардор қилиб туришлари, меҳнаткашларнинг кайфиятини, кундалик эҳтиёжларини ўрганишлари керак. Омманинг фикрига қулоқ солиш, меҳнат аҳли билан доимо маслаҳатлашиб туриш — булар ҳар бир раҳбарнинг энг биринчи бурчи бўлиб қолиши лозим.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлари муҳокама этилмоқда. Советлар халқ маорифи ишларига раҳбарлик қилиш соҳасида тўпланган барча қимматли тажрибани умумлаштиришлари керак. Энг яхши педагогик коллективларнинг ижобий тажрибасини, таълимни унумли меҳнат билан самарали қўшиб олиб бориш, ёш авлодни уйғун камол топтиришни таъминлаш практикасини аниқлаб, ҳар томонлама ҳисобга олиш; айниқса, муҳим.

Советлар ўзининг бутун ишини миллионларнинг ташаббускорлигига, ижодига таяниб, омманинг кўз ўнгида бажаради. Шу боисдан совет органларининг иш услуби ва методларини такомиллаштириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш, айниқса, муҳимдир. Марказий Комитетнинг февраль Пленумида партия комитетлари функциялари билан давлат ва хўжалик органларининг вазифалари ўртасида аниқ чегара бўлишига, уларнинг ишидаги такрорланишни тугатишга эришиш зарурлигига эътибор жалб қилинди. Бундай практикага қарши қатъиян курашиш керак. Партия совет ходимларидан кўпроқ ташаббускорлик ва мустақиллик кўрсатишларини, дадилроқ изланишларини, етилган проблемаларни оператив равишда ҳал этишларини кутмоқда.

Депутатликка номзод ҳозирги халқаро аҳволни таҳлил этиб, қуйидагиларни таъкидлади: жаҳон гегемончилигига даъвогарлик қилаётган Америка Қўшма Штатлари агрессив милитаризм йўлига ошкора ўтиб олди, қуролланиш пойгасини, айниқса ядровий қуролланиш пойгасини мислсиз кўламда авж олдириб юборди, Исроил агрессорлари билан биргаликда Ливан шаҳарлари ва посёлкаларини харобаларга айлантирмоқдалар. АҚШ ҳимоясиз Гренадага бандитларча ҳужум қилиб, уни ҳамон қонунга хилоф равишда оккупация қилиб турибди, Никарагуага қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда, Куба шаънига дўқ-пўписаларни тўхтатмаяпти, дунёнинг бошқа кўпгина районларида империалистларга хос қароқчилик қилмоқда. Қўшма Штатлар халқ ҳокимиятини йўқ қилиб ўз одамларини — манфур диктаторларни қурол кучи билан яна қайтаришни истамоқда. Халқаро ишларни ҳукмронлик позицияларида туриб юритиш муддаоси, ҳарбий мушт «ҳуқуқи»га ошкора умид боғлаш тобора равшанроқ намоён бўлиб бормоқда.

Америка ракеталарининг Ғарбий Европада жойлаштирилиши ядро ҳалокати хавфини анча кучайтириб юборди, бутун инсониятга қилинган дағдаға бўлди.

Мана шундай бир мураккаб халқаро вазиятда СССР, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчлик идеалларига астойдил содиқ эканликларини қайта-қайта намойиш этмоқдалар, планетани ядро уруши хавфидан халос этиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар. Совет Иттифоқи тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосида ядро қуролларини кўпайтирмаслик, чеклаш ва қисқартириш тўғрисида амалий шартномаларга эришишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларнинг бутун бир комплексини таклиф этди. Мамлакатимизнинг изчил тинчликсевар, аниқ ва равшан ташқи сиёсий таклифларини чет эллардаги холис ниятли барча кишилар маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳозирги ташвишли бир пайтда буюк социалистик давлат бўлмиш Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун халқлар олдидаги ўз масъулиятини тўла-тўкис англайди. Биз барча қитъалардаги мамлакатлар билан тинч ҳамкорлик тарафдоримиз, барча низоли проблемаларни тенг ҳуқуқли, амалий музокаралар йўли билан тинч ҳал этиш тарафдоримиз. КПССнинг, бутун совет халқининг қатъий иродаси мана шундай.

«Партиямизнинг бу масалалардаги принципиал позицияси равшан, беғубор ва олижанобдир. Бинобарин, биз бу позицияларга муттасил риоя қилаверамиз», — деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко февраль Пленумида.

Сайлов кампанияси, деб уқтирди сўнгра депутатликка номзод, омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига зўр куч бахш этмоқда. Бу кампания 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ҳамда умуман беш йилликни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада юксалтиришга кўмаклашмоқда. Совет кишилари Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада мустаҳкамланишини таъминлашга астойдил интилишни ўзларининг мажбуриятигина эмас, шу билан бирга юксак ватанпарварлик бурчи ҳам деб билмоқдалар.

Пировардида В. В. Кузнецов кўрсатилган ишонч ва юксак шараф учун сайловчиларга яна бир бор миннатдорчилик билдирди. У меҳнаткашларга социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида янги катта-катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

